

Таҳорат коронавирусдан ҳимояланишга сабаб бўлади



11:00 / 27.08.2020 2514

Кўплаб илмий тадқиқотлар ўз хулосасида киши шахсий гигиена қоидаларига, умумий шахсий тозалikka қатъий амал қилиши лозимлигини таъкидлайди. Инсоннинг қўлида юзлаб турдаги зарарли бактериялар мавжуд бўлса, терисида миллиардлаб бактериялар бор. Шунинг учун ҳам шифокорлар одамларга қўлларини бир-икки дақиқа давомида ювиб туришни тавсия қилишади. Киши мана шундай қилса қўлларидаги зарарли бактерияларнинг 99 фоизидан ҳам кўпроғидан қутулишини айтадилар. Одатда инсон қўли билан турли нарсаларни ушлайди. Зарарли, кўплаб касалликлар келиб чиқишига сабаб бўладиган бактериялар ана шу ушлаш натижасида қўлга илашади. Қўлларни тез-тез ювиб туриш эса улардан халос бўлишга сабаб бўлади.

Динимизда намоз ўқишдан олдин таҳорат олишга буюрилган. Бир кунда беш марта қўлларини ювадиган инсоннинг қўлларида бактериялар қолмайди. Қуръони Каримда қўлларни ювишга буюрилган. Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилган: **«Эй, иймон келтирганлар! Намозга турмоқчи бўлсаларингиз, юзларингизни ва қўлларингизни чиғаноқлари ила ювинглар. Бошларингизга масҳ тортинглар. Ва оёқларингизни тўпиқлари ила ювинглар»** (Моида сураси, 6-оят).

Оятда бошга масҳ тортишга ҳам амр бўлмоқда. Бошга масҳ тортиш орқали ҳам ана шундай бактериялардан халос бўлинади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат асносида оғиз ва бурунни ювишни ҳам таъкидлаганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Агар бирортангиз таҳорат олса, бурнини сув билан ювсин ва қоқиб ташласин».**

Имом Муслим ривоятлари.

Лақийт ибн Сабура розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар таҳорат қилсанг, оғизни чайгин»** деганлар.

Имом Абу Довуд ривоятлари.

Тозалик борасидаги тадқиқотларда шундай дейилади: «Тана аъзоларини Ислом динида кўрсатилган таҳорат кўринишида ювадиганлар оғиз ва бурунларидаги зарарли бактериялардан ҳам тўлиқ қутуладилар».

Бугунги кунда кенг тарқалган коронавирус ҳам кўзга кўринмас, майда вирусдир. Мутахассислар кишилар қўлларини тез-тез ювиб туришга ундамоқдалар. Агар таҳоратни шариатимизда кўрсатилганидек чиройли қилиб оладиган бўлсак, Аллоҳ таолонинг фазли билан турли касалликларга сабаб бўладиган зарарли бактерия ва вируслардан халос бўламиз.

Динимиздаги ҳар бир ибодатнинг кўплаб фойдалари, ҳикматлари бор. Агар биз таҳоратни ибодатга тайёргарлик нияти билан қиладиган бўлсак, ҳам савобга эришамиз, ҳам вируслардан халос бўламиз.

Аллоҳ таоло барчамизни турли касалликлардан, жумладан, коронавирус балосидан асрасин! Ушбу вирусни юртимиздан, халқимиз бошидан тезроқ кўтарсин!

***Абдуддоим Каҳел суҳбати ва интернет маълумотлари асосида
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади.***